



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ БЎЙИЧА ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ: ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

Хужанов Тиллабек Келдибекович

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистранти

E-mail: tillabekxojanov@gmail.com

Телефон: +99.895 449-04-77

+99.890 333-62-82

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11243321>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-May 2024 yil

Ma'qullandi: 15-May 2024 yil

Nashr qilindi: 22-May 2024 yil

KEY WORDS

Одил судлов, одил судлов
принциплари, "Ювенал
юстиция", вояга етмаганлар,
ҳалқаро стандарт,
имплементация.

ABSTRACT

Ушбу мақолада ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан одил судловни амалга оширишдаги асосий принциплар "Ювенал юстиция" қоидалари ва миллий қонунчилик асосида ёритиб берилади. Бунда, вояга етмаганларга нисбатан юритилаётган одил судловнинг умумэтироф этилган ҳалқаро стандарти ҳисобланган "ювенал юстиция" принципларини миллий қонунчилигимизда қай даражада ўз аксини топганлиги ёритиб берилган.

Abstract. In this article, the main principles in the implementation of justice against persons who have committed a crime before the age of eighteen are highlighted based on the provisions of "Juvenile Justice" and national legislation. In this case, the extent to which the principles of "juvenile justice", which is the universally recognized international standard of justice for minors, is reflected in our national legislation is highlighted.

Key words: Justice, principles of justice, Juvenile Justice, minors, international standard, implementation.

Абстрактный. В данной статье выделены основные принципы осуществления правосудия в отношении лиц, совершивших преступление до достижения восемнадцатилетнего возраста, исходя из положений «Ювенальной юстиции» и национального законодательства. При этом подчеркивается, в какой степени в нашем национальном законодательстве отражены принципы «ювенальной юстиции», которые являются общепризнанным международным стандартом правосудия для несовершеннолетних.

Ключевые слова: Правосудие, принципы правосудия, ювенальная юстиция, несовершеннолетние, международный стандарт, реализация.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 130-моддасига кўра, "Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритади [1]". Асосий қонунимиз ҳисобланган Конституциянинг XXIII боби "Суд ҳокимияти" деб номланиб, ўн битта моддани ўз ичига олган ушбу бобда судлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилган. Жумладан, "Ўзбекистон Республикасида

суд тизими ва судлар фаолиятининг тартиби қонун билан белгиланишлиги, Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмаслиги, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўришлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланишлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ҳисобланишлиги ва мамлакатнинг бутун ҳудудида бажарилиши мажбурийлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди қўйи судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб боришлиги, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг мустақил органи ҳисобланишлиги, судьялар мустақил ҳисобланиб, фақат Конституция ва қонунга бўйсунлиши ҳамда судьяларнинг одил судловни амалга оширишга доир фаолиятига ҳар қандай тарзда аралаштишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралаштиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлишлиги, судьялар дахлсизлиги ва давлат судьянинг ва унинг оила аъзоларининг ҳавфсизлигини таъминлашлиги, Судьяни муайян ишнинг муҳокамасидан четлаштиришга, унинг ваколатларини бекор қилишга ёки тўхтатиб туришга, бошқа лавозимга ўтказишга фақат қонунда белгиланган тартибда ва асосларга кўра йўл қўйилишлиги, суднинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши судьяни лавозимидан озод этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмаслиги, судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмаслиги, шунингдек судьялар сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин эмаслиги, ҳамма судларда ишлар очик кўрилишлиги, ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилишлиги, суд ҳокимиятининг ҳужжатлари барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар учун мажбурийлиги, Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда ёхуд қонунга мувофиқ бошқа тилда олиб борилишлиги, суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланишлиги, судларнинг фаолиятини молиялаштириш фақат Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан амалга оширилишлиги ҳамда у одил судловни тўлиқ ва мустақил амалга ошириш имкониятини таъминлаши кераклиги [1]” қонун билан кафолатланган.

Бундан ташқари, 28.07.2021 йилда янги таҳрирда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги ЎРҚ-703-сонли Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасида “Суднинг асосий вазифалари фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституция ва бошқа қонунлари, халқаро шартномаларида, шунингдек инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда кафолатланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат ва жамоат манфаатларини, юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат [2]” эканлиги белгилаб қўйилган бўлиб, ушбу қонунинг 15-моддасига кўра, “одил судловни амалга оширишда ҳар бир кишига малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади.

Гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ҳимояланиш ҳуқуқи таъминланади [2].

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасида судлар мустақил, адолатли ва холис фаолият олиб боришлиги учун барча ҳуқуқий асослар яратилганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Қуйида эса вояга етмаганларга нисбатан жиноий суд ишларини юритишда одил судловни амалга ошириш хусусида фикр юритамиз.

Вояга етмаганларга нисбатан жиноий суд ишларини юритишда одил судлов хусусида сўз юритилганда, албатта бугунги кунда дунёнинг кўпгина ривожланган давлатлари томонидан ўз миллий қонунчилигида қўллаб келаётган, вояга етмаганларга нисбатан юритилаётган одил судловнинг умумэътироф этилган ҳалқаро стандарти ҳисобланган “Ювенал юстиция” қоидаларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу “Juvenile justice” атамаси биринчи маротаба БМТнинг 1985 йил 29 ноябрда қабул қилинган “Вояга етмаганларга нисбатан одил судлов тўғрисидаги минимал стандарт қоидалари” (Пекин қоидалари) да қўлланилган.

Ювенал юстиция қоидаларига кўра, вояга етмаганларга нисбатан суд ишларини юритишда одил судловнинг принциплари сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

- айбсизлик презумпцияси;
- жиноят содир этишда гумонланиб ушланган вояга етмаган шахс қўлга олинган вақтда ўша захоти ота-онаси ёки васийни ҳозир бўлиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида ота-онани зудлик билан хабардор қилиш;
- суд процесси бошланмасдан аввал уларни имкони бўлса, ҳибсга ушлаб турмаслик, судгача ҳибсда ушлаб туриш энг қисқа муддатларда амалга оширилишини таъминлаш;
- вояга етмаган шахсни руҳий ёки жисмоний соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган жисмоний жазо усулларининг қаттиқ, шафқатсиз, ғайриинсоний ҳамда кадр-қимматни камситадиган барча усулларни тақиқланиши;
- яқин қариндошлари билан учрашиш, шахсий дахлсизлик, ташқи дунё билан алоқа ва кундалик юмушларни бажариш учун етарлича вақтга эга бўлиш ҳуқуқлари, одил ва инсоний муомалага бўлган ҳуқуқлари таъминланиши;
- вояга етмаган шахсни соғлиғи таъминланиши, кадр-қиммати ҳурмат қилиниши талабларига жавоб берадиган муассасалар барпо этилиши, даволаниши ҳамда касалликларнинг олдини олиш учун етарли даражада бўлган, малакали тиббий хизмат кўрсатилиши;
- озодликдан маҳрум қилиш муассасасидан ташқарида бўлган вояга етмаган шахсларга тажрибали ўқитувчилар томонидан бериладиган таълим уларнинг эҳтиёжларига мос бўлиши ва жамиятга қайтиши учун тайёрлаши;
- вояга етмаган шахсларни катта ёшдаги маҳбуслардан алоҳида сақланишини таъминлаш, боланинг оила аъзолари бундан мустасно.

Вояга етмаганларга нисбатан юритилаётган одил судловнинг умумэътироф этилган ҳалқаро стандарти ҳисобланган ювенал юстиция институтини ва ундаги принципларни миллий қонунчилигимизда қай даражада ўз аксини топганлигига назар ташлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКда ушбу тамойиллар қуйидагича ифодаланган: “Жиноят ишлари бўйича одил судлов фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун

ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади [3]". Бунда айрим тоифадаги ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар, яъни вояга етмаганлар, хотин-қизлар, ногиронлар ва кекса ёшдагилар алоҳида ҳимояга эгаллиги махсус нормалар билан кафолатланган. Биз қуйида бу ҳақда тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал қонунчилигига кўра, "жиноят қилгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш тартиби умумий қоидалар, шунингдек жиноят процессуал кодекснинг 548-564-моддалари асосида белгиланади [4]" деб қайд этиб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонунчилигига кўра дастлаб умумий қоидаларда белгиланган принципларни кўриб чиқадиган бўлсак, булар қуйидагилар ҳисобланади, яъни: қонунийлик, одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, жиноят ишларини ҳайъатда ва якка тартибда кўриб чиқиш, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi, жиноят ишини қўзғатишнинг муқаррарлиги, одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши, жиноят ишлари юритиладиган тил, жиноят ишларини юритишда жамоатчиликнинг иштироки, ҳақиқатни аниқлаш, айбсизлик презумпцияси, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш, судда ишларни юритишда тортишув, далилларни бевосита ва оғзаки усулда текшириш, процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи каби принциплардир.

Демак, вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилганда уларга нисбатан жиноий иш юритиш қоидалари ушбу умумий принциплар билан бирга, ЖПКнинг 548-564-моддаларида назарда тутилган махсус нормалар асосида амалга оширилади. ЖПКнинг ушбу нормаларида эса қуйидагилар белгиланган, яъни: "вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича вояга етмаганнинг қонуний вакили, ҳимоячи, педагогнинг ёки психологнинг ишда қатнашиши шартли принциплари ҳамда вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакилларини вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд муҳокамасида иштирок этишга жалб қилиш, вояга етмаган айбланувчига нисбатан эҳтиёт чоралари, вояга етмаган шахсни қаровга топшириш тартиби, вояга етмаган шахсни болалар муассасасига жойлаштириш, вояга етмаган айбланувчини қамоққа олиш ёки уй қамоғига жойлаштириш, суриштирувни, дастлабки терговни тамомлаш ва вояга етмаган шахсни иш материаллари билан таништириш, вояга етмаган судланувчини суд мажлиси залидан чиқариб туриш, болалар масалалари бўйича комиссияга ишнинг кўрилиши ҳақида хабар бериш, вояга етмаган судланувчига нисбатан ҳукм чиқаришда суд томонидан ҳал этиладиган масалалар, вояга етмаган шахсни жавобгарликдан ёки жазодан мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда озод қилиш [5]" каби махсус норма талаблари асосида амалга оширилади.

Бундан ташқари, вояга етмаганларнинг жиноятлари бўйича одил судовни амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида ҳам бир қатор махсус нормалар ва принциплар мавжуд бўлиб, ушбу нормаларда белгиланган қоида ва принциплар ҳам вояга етмаганларнинг жиноятлари бўйича одил судовни амалга

оширишга хизмат қилади. Масалан, ЖКнинг 51-моддасида “умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас[6]”. Шунингдек, ЖК 85-моддаси талабларига кўра, “вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмаслиги ҳамда ҳукм чиқариш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тарбия колонияларида ўташлиги белгиланганлиги[7]”, 86-модда талабларига кўра эса, “суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилади, вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлиғини, содир этган жиноятининг сабабларини, катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олишлиги[8]”, қайд этилганлигини таъкидлаш жоиз.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, “Ювенал юстиция”нинг вояга етмаганларга нисбатан суд ишларини юритишда одил судловнинг асосий принциплари Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида ҳам тўлиқ ўз аксини топган.

Бугунги кунда “ювенал юстиция”ни вояга етмаганларнинг жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш борасидаги асосий принциплари миллий қонунчилигимизда ўз аксини топганлигини эътироф этиш билан бирга уни ҳуқуқий ва институтсионал асосларини янада мустаҳкамлаш зарур деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун эса “ювенал юстиция” талабларидан келиб чиққан ҳолда миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур таҳлил қилган ҳолда ўрганиш ҳамда ривожланган мамлакатлар томонидан ушбу институтнинг кенг қўлланилиб келаётган моделларини энг мақбул томонларини аниқлаб, миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш масалаларини ҳал этиш лозим бўлади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида» Қонуни. ЎРҚ-703-сон. 28.07.2021 й
3. Ўзбекистон Республикаси ЖПК 16-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси ЖПК 547-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси ЖПК 548-564-моддалар
6. Ўзбекистон Республикаси ЖК 51-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси ЖК 85-модда.
8. Ўзбекистон Республикаси ЖК 86-модда